Азизбек ИСАМУТДИНОВ,
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси стажёр-ўқитувчиси

АРАБ ТИЛИДА РАВИШДОШ ВА УНИНГ ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

XX аср араб наҳвшуносларидан Мустафо Ғалайийний ўзининг جامع الدروس العربية асарида турланмайдиган зарфларни шарҳлаб, уларнинг ҳукмларини қуйидагича келтиради:

1) قط – ўтган замонни тўлиқ ўз ичига олади. Бу сўз قططته (уни кесдим) сўзидан ясалган. Шунга кўра ما فعلته قط (уни сира ҳам қилганим йўқ) нинг маъноси ما فعلته فيما انقطع من عمرى умримдан ўтган давр ичида уни қилганим йўқ. Бу сўроқ ёки инкор юкламасидан кейин келтирилади. Шунга кўра, لا افعله قط деб ҳозирги-келаси замон феъли билан ишлатиш хатодир.[1]

Баъзан айрим ўринларда قط сўзини ҳозирги-келаси замон феъли билан ишлатилганлигини кўриб қоламиз. Бироқ олимнинг юқорида келтирилган фикрлари шуни кўрсатмоқдаки, бу сўзни фақат ўтган замон феъли билангина ишлатиш мумкин. Ҳозирги-келаси замон феъли билан ишлатиш тўғри эмас экан.

1) عوضُ келаси замонни тўлиқ ўзида мужассам қилувчи зарф. Буни заммага тугатиб келтириш машҳурдир. Шунингдек, буни фатҳа ва касрага тугатиб келтириш ҳам мумкин. Агар изофанинг музоф қисми бўлиб келса, у ҳолда у тушум келишигида турланиб келади. Масалан, لا افعله عوضَ العائضين - “Мен уни ҳеч қачон қилмайман”. Бу ҳам сўроқ ва инкор юкламаларидан сўнг келтирилади. Бу гоҳида ўтган замон учун ҳам ишлатилади.[2]

Демак عوضُ сўзи изофанинг музоф қисми бўлмаганда охири фақат заммагагина тугайди ва сўроқ ҳамда бўлишсиз гаплардагина ишлатилади.

2) بينا، بينما – ўтган замонни ифодалаш учун келтириладиган зарфлардир. Булар кўпроқ исмий жумлаларда келади. Феълий жумлаларда кам келади. Баъзи олимлар буларни ўзидан кейин келадиган жумлаларга изофа қилишади. Баъзилари эса ушбу сўзларнинг охирида қўшимча “алиф” ва қўшимча “ما” бўлганлиги учун уларни изофа қилишмайди. Шу ҳақиқатга яқинроқдир. بين аслида маконни ифодалайди. Гоҳида замонни ҳам ифодалайди. Масалан, جئت بين الظهر و العصر - пешин билан аср ўртасида келдим. Агар бунга охиридаги қўшимча “алиф” ва қўшимча “ما” лар қўшилса, замонни ифодалайди.[3]

Шу ўринда бу сўзни ўзидан кейин келадиган жумлага изофа қилинига бироз ойдинлик киритиб ўтамиз. Ҳозирги кундаги дарсликларимизда бу сўзни ўзидан кейинги жумлага изофа қилинади деган гапни учратмаймиз. Буни қандай қилиб ўзидан кейинги жумлага изофа қилиш мумкин деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: бу сўз вақтни ифодалайдиган, лекин охири ўзгармайдиган сўздир. Агар шу сўзнинг ўрнида охири ўзгарадиган “وقت” сўзини қўйиб кўриладиган бўлса, бу сўз музоф қилинади ва кейинги жумла эса масдарга таъвил қилиниб музоф илайҳи деб қаралади.

4) اذا – кўпроқ келаси замон учун қўлланилади. Аксар ҳолда ўзида шарт маъносини англатиб келади. Бу феълий жумлаларнинг олдидан келишлиги билан ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу билан келган феъл кўпроқ шакли ўтган замонда, маъноси эса келаси замонда бўлади. Шаклан келаси замонда кам келади. Шоирнинг қуйидаги байтида иккала ҳолатни ҳам кузатиш мумкин:

– و النفسُ راغبةٌ اذا رغَّبتها و اذا تُرَدُّ الى قليلٍ تقنعُ

Нафсни рағбатлантирсанг, рағбати ошаверади, лекин оз (нарса)га қайтарилса, қаноат қилади.

Гоҳида ўтган замон маъносида ҳам келади. Масалан, (Жумъа сураси, 11 – оят). Гоҳида эса шарт маъносини англатмасдан фақат вақтнигина англатиб келиши мумкин. Масалан, (Зуҳо сураси, 2-оят).

Фақат зарф бўлиб келадиган ёки зарфга ўхшаб келадиган (من предлоги билан келган)

[1] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.427

[2] Ўша асар. 427-бет

[3] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.427

сўзлар ғойри мутасорриф (турланмайдиган) сўзлар дейилади.[4]

5) ايان – келаси замон учун қўлланиладиган зарфдир. Бу келаси замонни белгилаш учун ишлатиладиган сўроқ олмошидир. Бу кўпроқ ишнинг буюклигини ифодалаш учун ишлатилади. Масалан, (Зорият сураси, 12-оят). Бу "қайси вақт, қачон" маъносида бўлиб, اي ва ان сўзларининг қўшилмасидан ташкил топгандир. Гоҳида ўзида шарт маъносини ифодалаб, иккита феълнинг шарт майлида келишини талаб қилади. Масалан, أيَّانَ تجتهدْ تجدْ نجاحاً – Қачон қаттиқ ҳаракат қилсанг, муваффақият топасан.

6) أني – ўринни ифодалаш учун ишлатиладиган зарфдир. اين – "қаерда" маъносидаги шарт исми бўлиб келади. Масалан, أنى تجلسْ أجلسْ – Қаерга ўтирсанг, мен ҳам ўша ерга ўтираман. Шунингдек, "қаердан" маъносидаги сўроқ олмоши бўлиб келиши мумкин. Масалан, (Оли Имрон, 37-оят) . Бундан ташқари كيف – "қандай" маъносида сўроқ олмоши бўлиб келади. Масалан, (Бақара сураси, 259 - оят). Шу билан бирга متى – "қачон" маъносида вақтни билдирувчи зарф бўлиб келиши мумкин. Масалан, أنى جئت؟ - Қачон келдинг?[5]

Биргина أني сўзининг "қаерда?", "қаерга?", "қаердан?" маъноларидан ташқари "қандай?", "қачон?" маъноларини ҳам англатиши биз учун янгиликдир.

7) قبلُ، بعدُ сўзлари замонни ифодалаш учун ишлатилади. Зарф бўлганлиги учун тушум келишигида келтирилади ёки "من" предлоги билан қаратқич келишигида келиши мумкин. Масалан,جئت قبلَ الظهر أو بعده أو من قبله أو بعده – Пешиндан кейин ёки ундан олдин келдим. Гоҳида булар ўринни англатиб келиши ҳам мумкин. Масалан, دارى قبلَ دارك أو بعدَها – Уйим сенинг уйингдан олдин ёки ундан кейин. Булар тушум келишигида ёки "من" предлоги билан қаратқич келишигида келиши мумкин. Баъзи ҳолатларда, аниқроғи, изофадан узилганда турланмайдиган ҳолатга ўтади. Лекин ниятда музоф илайҳи сақланиб қолади. Масалан, (Рум сураси, 4-оят), яъни من قبلِ الغلبةِ و من بعدِها - "ғалабадан олдин ва ундан кейин" маъносидадир. Агар музоф илайҳи вазифасида келадиган сўз ниятда сақланиб қолмаса, у ҳолда булар турланади,яъни тушум келишигида келади. Масалан, فعلت ذلك قبلاً أو بعداً – "Мен буни олдин ёки кейин қилдим".

8) لدى، لدن – булар сукунга мабний бўлган, عندَ - "ҳузурида, олдида" маъносидаги сўзлар бўлиб, ҳам замонни ҳам маконни ифодалаш учун қўлланиладиган зарфлардир. لدن кўпроқ "من" предлоги билан қаратқич келишиги ўрнида келади. Масалан, (علمناه من لدنا علماً) . Гоҳида зарфлигига кўра предлогсиз келиб тушум келишиги ўрнида деб билинади ва бу пайтда ҳам у вақт ёки ўринни билдириб келиши мумкин. Масалан, سافرت لدن طلوع الشمسِ – Қуёш чиқиш пайтида сафар қилдим. جلست لَدُنْكَ – Ёнингга ўтирдим. Бунга биринчи шахс эгалик олмоши қўшилганда, битта "нун" орттирилади. Масалан, لدُنّي . Ушбу "нун" камдан-кам ҳолларда туширилиб қолдирилади. Масалан, لَدُنِي . Бу юқорида келтирилгандек битта сўз билан изофа бўлиб келиши мумкин. Шунингдек, гап билан ҳам изофага киришиши мумкин. Масалан, انتظرتك من لدن طلعت الشمسُ الى أن غربتْ – Мен сени кун чиққандан то кун ботгунча кутдим.

Агар ундан кейин غُدْوَةٌ "эрта тонг" сўзи келса, масалан, جئتك لدن غدوة - Сенинг олдингга эрта тонгда келдим каби уни لدن сўзига изофа қилиб қаратқич келишигида келтириш мумкин ёки уни тамйиз сифатида тушум келишигида келтириш мумкин. Ёки тушириб қолдирилган كان сўзи таъсиридаги кесим қилиш мумкин. Масалан, لدن كان الوقت غدوةً - "Вақт тонг бўлганида..."

Кўпинча لدى сўзи вақтни билдирувчи зарф бўлиб келиши мумкин. جئت لدى طلوع الشمس - Қуёш чиқиш пайтида келдим. Ёки ўринни билдирадиган зарф бўлиб келади: جلست لديك - Олдингда ўтирдим. Гоҳида "من" предлоги билан қаратқич келишигида келади. Масалан, حضرت من لدى الاستاذ - Устознинг олдидан келдим. لدن сўзи гапнинг асосий бўлаги бўлиб кела олмайди. Масалан, علم لدنه деб бўлмайди. Бу жиҳатдан لدى дан фарқ қилади. Чунки гап бўлаги бўлиб кела олади. Масалан, لدينا مزيد - Бизда қўшимча бор. Шу сингари عند ҳам гапда бирор бўлак вазифасида кела олади. Масалан, عندك حسن تدبير – Сенда чиройли тадбир бор. لدى ва لدن сўзлари фақат мавжуд бўлиб турган нарсагагина айтилади. لديَّ كتاب نافعٌ – Менда фойдали китоб бор деб шу китоб ёнида мавжуд бўлсагина ишлатилади. Агар мавжуд бўлмаса ишлатилмайди. عند эса улардан фарқли равишда мавжуд бўлган нарсага ҳам мавжуд бўлмаган нарсага ҳам ишлатилаверади. لدن, لدى ва عند лар "من" предлогидан бошқа предлог билан

[4] حفني ناصف. الدروس النحوية. مصر. 2007 ص436

[5] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.428

қаратқич келишигида келмайди. Шунга кўра ذهبت الى عنده дейиш хатодир. Кўпчилик шу нарсада хато қилишади[6].

Сўнги келтирилган маълумотдан لدى ва عند ҳамда لدن сўзлари ўртасидаги фарқлар эътиборга моликдир. Одатда бу нозик жиҳаитларга эътибор қаратилмайди.

9) متى – "қачон" сўзи вақтни ифодаловчи зарфдир. Бу сўз вақтни ифодалаб сўроқ олмоши бўлиб келиши мумкин. Бу ҳолда у тушум келишиги ўрнида деб билинади: Масалан, متى جئت؟ - Қачон келдинг? الى ва حتى лар билан келиши мумкин. Бу ҳолда у қаратқич келишигида деб билинади. Масалан, الى متى يرتع الغاوي في غيه؟ - Адашган кимса қачонгача адашиб юради? حتى متى يبقى الضال في ضلاله؟ - Гумроҳ киши қачонгача залолатида қолади? Шунингдек, шарт исми бўлиб келиши мумкин. Масалан, متى تتقن عملك تبلغ املك – Қачон ишингни пухта қилсанг, орзуингга етасан. متى сўзи қачонки шарт маъносини англатиб келса, зарфлигига кўра фақат тушум келишигида келтирилади. Қаратқич келишиги ўрнида келмайди.

10) أين – "қаерда" сўзи охири доимо фатҳага тугайдиган, маконни ифодалаш учун ишлатиладиган зарфдир. Бу сўроқ олмоши бўлиб келиши мумкин. Бу ҳолда у зарф бўлганлиги учун тушум келишиги ўрнида деб қаралади. Шунингдек, من ва الى предлоглари билан қаратқич келишигида келиши мумкин. Бундан ташқари у шарт исми бўлиб келиши мумкин. Масалан, أين تجلس أجلس – Қаерга ўтирсанг ўша ерга ўтираман. Кўпинча унинг охирига таъкид учун ما юкламаси қўшилиб келади. Масалан, (Нисо 78 оят).

11) هنا ، ثَمَّ - "бу ерда, у ерда" сўзлари ўринни кўрсатувчи олмошлардир. هنا билан яқин жой кўрсатилади. ثَمَّ билан эса узоқ жой кўрсатилади. ثَمَّ га ة – "та" қўшилиб келиши мумкин. Худди "ثَمَّةَ" каби. Зарф бўлганлигига кўра тушум келишигида келади. Гоҳида من ва الى предлоглари билан қаратқич келишиги ўрнида келиши мумкин.

12) حيث - бу маконни билдириш учун келтириладиган зарфдир. Охири доим заммага тугайди. Масалан, اجلسْ حيث يجلس أهل الفضلِ - Фозил кишилар ўтирган жойга ўтир. Баъзилар "حوث" тарзида ҳам ишлатишади. Бу жумла билан изофага киришади. Юқорида келтирилган мисол сингари бу сўз кўпроқ феълий жумла билан изофа бўлиб келади. Исмий жумла билан изофага киришишига қуйидагича мисол келтириш мумкин: اجلسْ حيث خالدٌ جالسٌ - Холид ўтирган жойга ўтиргин. Бироқ у битта сўз билан изофага киришмайди. Агар ундан сўнг битта сўз келса, унга кесими туширилиб қолдирилган эга сифатида қаралади. Масалан, اجلس حيث خالد . Бу жумланинг кесими туширилиб қолдирилган бўлиб, асли اجلسْ حيث خالدٌ جالسٌ тарзидадир. Гоҳида من ва الى предлоглари билан қаратқич келишиги ўрнида келиши мумкин. Масалан, ارجع من حيث أتيت الى حيث كنت - Келган жойингдан аввалги жойингга қайтгин. حيث камдан-кам ب ва في предлоглари билан қаратқич келишигида келиши мумкин. Агар унинг охирига ما юкламаси қўшилса, у ҳолда у шарт исми бўлиб келади. Масалан, حيثما تذهبْ اذهبْ - Қаерга борсанг, ўша ерга бораман[7].

حيث сўзининг "حوث" шаклида келиши ҳам биз учун янги маълумотдир.

13) الان – "ҳозир" сўзи айни вақтни ифодалаш учун келтирилади. Бу сўз، حتى، الى، من предлоглари билан ҳам келиши мумкин. Ушбу предлоглар билан келганда ҳам охири фатҳада бўлади, лекин унга қаратқич келишиги ўрнида деб қаралади.

14) امسِ – "кеча" сўзи икки хил ҳолатда келади. Бири аниқ ҳолатда бўлиб, охири касрага тугайди. Аниқ ҳолатда бўлиб келганда охири камдан-кам фатҳага тугайди. Аниқ ҳолат дейилганда сўзланаётган кундан бир кун олдинги кун тушунилади. Масалан, جئت أمسِ - Кеча келдим. Бунда унга зарф бўлганлиги учун тушум келишиги ўрнида деб қаралади. Шунингдек, у مذ، منذ من، предлоглари билан ҳам келиши мумкин. Бундан ташқари гапнинг бошқа бўлаклари вазифасида ҳам келиши мумкин. Нима бўлганда ҳам унинг охири касрага тугайди. Иккинчи ҳолатда эса унга "ال" артикли қўшилади. Бунда у турланиши мумкин. Артикль қўшилганда "кеча" деган сўздан бир кун олдинги кун эмас, балки ўтган кунлардан бирор кун назарда тутилади.[8]

Демак أمسِ билан الأمسِ нинг ўртасида фарқ бор. "ال" артикли қўшилганда нутқ сўзланиб турган кундан олдинги кун эмас, балки ўтиб кетган кунлардан бирортаси тушунилади. Ўзбек тилида ҳам "кеча" сўзи узоқ йилларни худди кечаги кундай тез ўтиб кетганлигини билдириш учун ишлатилади.

15) دونَ – бу "فوق" нинг антонимидир. Масалан, قعد خالد هو دونَهُ – у ундан пастроқда. Ёки

[6] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.430

[7] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.430

[8] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.431

هذا دونَ سعيدٍ - Холид Саиддан паст жойга ўтирди. دونَ ذاك - бу ундан ташқари. “олдида” маъносида келиши мумкин. Масалан, الشيء دونَك - нарса олдингдадир. “орқасида” маъносида келиши мумкин. Масалан, قعد دونَ الصفِّ - Саф ортида ўтирди. Шунингдек, бу сўз гоҳида “хасис, пасткаш” маъносида ҳам келиши мумкин. Бундай пайтда у зарф бўлмайди. Масалан, هذا شيء دونٌ - Бу ҳақир (арзимас) нарсадир. Бундай пайтда бу сўз турланади. Масалан, هذا رجل من دونٍ - Бу пасткаш кишидир. Ёки هذا شيء من دونٍ - Бу арзимас нарсадир. Арабларда кўпроқ шундай ишлатилади. من предлогини тушириб қолдириш ҳам мумкин. دونَ сўзини ўзидан олдинги сўзга нисбатан сифатловчи аниқловчи қилиш мумкин. Бунга юқорида келтирилган “ هذا شيء دونٌ - Бу ҳақир (арзимас) нарсадир” жумласи мисол бўла олади. Мослашган аниқловчи бўлиб келганда у келишикда турланади. Бироқ баъзи ҳолатларда, аниқроғи, изофадан узилганда охири заммага тугаб келишикда турланмайдиган ҳолатга ўтади. Масалан, جلست دُونُ - Пастга ўтирдим[9].

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, دونَ сўзи бир неча маъноларда, айни пайтда бир-бирига антоним маноларда келар экан. Албатта, бу сўзнинг қайси маънода келаётганини матндаги мазмун оқимидангина билиш мумкин.

16) رَيْثَ – масдардан кўчган, вақтни билдирувчи зарфдир. Бу راثَ يريثُ رَيْثاً феълининг масдаридир. Сўнгра вақтни ифодаловчи зарфга айланиб кетган. Бу билан бажарилган иш-ҳаракат миқдори ифодаланади. Масалан, انتظرته ريثَ صلي - Мен уни намоз ўқиб бўлгунича кутдим. Бундан сўнг фақат ما ва أن юкламалари билан ёки шу юкламаларсиз феъл келиши мумкин. Масалан, انتظرني ريثَما أحضر – У мени то келмагунимча кутди. انتظرته ريثَ أن صلى - Мен уни то намозини ўқиб бўлмагунча кутдим. Бундай пайтда رَيْثَ сўзига ما ва أن юкламалари билан келган феъга нисбатан музоф сифатида қаралади. Агар феъл ушбу юкламаларсиз келса, у ҳолда رَيْثَ сўзи жумланинг ўзига изофа қилинади. Бу ҳолда агар رَيْثَ сўзи мабний феъл билан бошланган жумлага изофа қилинса, رَيْثَ сўзи ҳам фатҳага мабний бўлади, яъни охири фатҳага тугайди. Масалан, وقف ريثَ صلينا - Намоз ўқиб бўлгунимизча турди. Агар бу сўз муъроб феъл билан бошланган жумлага изофа қилинса, у ҳолда رَيْثَ сўзи ҳам муъроб бўлади, яъни охири келишикда турланадиган ҳолатга ўтади. Масалан, لا يصعب الامرُ الا ريثَ يركبه و كلَّ أمر، سوى الفحشاء، يأتمرُ - “Ишнинг қийинчилиги уни миниб олгунчадир. Фаҳшдан бошқа ҳар қандай иш .....”

Шунингдек, бўлишсиз гапда келган истисно юкламасидан кейин ҳам келади. Масалан, ما قعد عندنا الا ريثما تُقرأ الفاتحةُ - Бизнинг олдимизда “Фотиҳа” сураси ўқилгунча ўтирди.

17) مع - замон ва маконда биргаликни ифодалаш учун қўлланиладиган зарфдир. Масалан, انا معك - Мен сен билан биргаман. Бу мисолда маконни билдириб келмоқда. جئت مع العصر - Асрда келдим. Бунда эса замонни ифодалаб келмоқда. Бу тушум келишигида турадиган, турланадиган зарфдир. Гоҳида охири сукунга мабний бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бу Ғунм ва Робийъа тилидадир. Уларнинг тилида бунинг охири сукунга тугайди ва унга тушум келишигининг ўрнида деб қаралади. Агар ундан кейинги сўз сукун билан бошланадиган бўлса, у ҳолда араб тилида иккита сукун бир жойда келмаслиги сабабли, унинг сукуни касрага айлантирилади. Масалан, جئت مَع القومِ - Қавм билан келдим. Бу зарф кўпроқ изофанинг музофи қилиб ишлатилади. Бу изофадан холи тарзида ҳам ишлатилади. Бундай ҳолатда у кўпроқ ҳол вазифасида келади. Масалан, جئنا معاً - Бирга келдик. Бу جئنا جميعاً أو مجتمعين - Биз бирга келдик маъносидадир. Гоҳида от кесимли гапнинг кесими ўрнида келади. Масалан, سعيدٌ و خالدٌ معاً - Саид ва Холид биргадир. Изофадан холи бўлиб келган مع билан جميعاً нинг фарқи шундаки, جاؤوا معاً дейилса, уларнинг бир вақтда келгани тушунилади. Агар معاً нинг ўрнига جميعاً ишлатилса, улар бир вақтда келган бўлишлари ҳам ҳар хил вақтда келган бўлишлари ҳам мумкин.

18) كيف - “қандай” сўроқ олмоши. Бу Сибавайҳининг наздида ҳар доим тушум келишиги ўрнида бўлган, замонни англатувчи зарфдир. Бу гоҳида кесим ёки ҳол вазифасида келиши мумкин. Масалан, كيف أنت؟ - Сен қандайсан? كيف جاء خالدٌ؟ - Холид қандай келди?

Суянса бўладиган маълумот шундайки, у зарф маъносидан холи бўлган сўроқ олмошидир. Кесим ёки ҳол бўлиб келиши мумкин. Шунингдек, ظنَّ - “ўйламоқ, гумон қилмоқ” маъносидаги феъл билан бошланган гапда иккинчи тўлдирувчи бўлиб келиши

[9] Ўша асар. 43- бет

мумкин. Чунки у аслида кесимдир. Масалан, كيف ظننت الامرَ؟ - Ишни қандай деб ўйладинг? Шунингдек, кўфаликлар наздида у гоҳида шарт исми бўлиб келиши мумкин. Бу ҳолда ундан кейин келадиган икки феъл шарт майлида туради. Масалан, كيف تجلسْ أجلسْ - Сен қадай ўтирсанг, мен ҳам шундай ўтираман. كيفما تكنْ أكنْ - Сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундай бўламан. Басраликларнинг наздларида эса шарт исми бўлиб келиши мумкин, лекин ўзидан кейин келадиган феълларнинг шарт майлида келишини талаб қилмайди.

19) اذ – ўтган замонни ифодаловчи зарфдир. Масалан, جئت اذ طلعت الشمسُ - Қуёш чиққанда келдим. Гоҳида келаси замонни ифодалаш учун ҳам келиши мумкин. Масалан, (Ғофир сураси, 70-71-оятлар). Бу зарфнинг охири сукунга тугайди ва зарф бўлганлиги сабабли унга тушум келишиги ўрнида деб қаралади. Гоҳида музоф илайҳи ўрнида ҳам келади ва пайт ҳолига изофа қилинади. Масалан, (Оли Имрон сураси, 8-оят)

Гоҳида эса “мафъул биҳи” ёки унинг изоҳловчиси бўлиб келади. Масалан, (Аъроф сураси, 86-оят), изоҳловчи бўлиб келишига эса (Марям сураси, 16-оят) мисол бўла олади. Келтириб ўтилганидек, бу доим жумлага изофа қилинади. Баъзида изофа қилинаётган жумланинг бир қисми тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, هل ترجعَنَّ ليالٍ قد مضين لنا و العيشُ منقلبٌ اذ ذاك أفناناً - Ҳаёт ортга қайтиб, биз ўтказган кечалар ортга қайтармикан. Ўша кечалар қайтганда....Гоҳида эса жумла тўлиқлигича тушиб қолиши ва унинг ўрнига اذ эваз танвини қўшилиши мумкин. Масалан, (Воқеа сураси, 83-84-оятлар), яъни حينَ اذ بلغت الروح الحلقومَ تنظرونَ маъносидадир[10].

Зарф тўғрисидаги содда қоида шу эдики, “Зарфу замон бу иш ҳаракат рўй берган вақтни билдирган насбдаги сўздир. Зарфу макон иш ҳаракат рўй берган маконни билдирган насбдаги сўздир.”[11]

20) لما - бу حينَ маъносидаги ўтган замонни ифодаловчи зарф бўлиб, ўзидан кейин иккита ўтган замондаги феълнинг келишини тақозо қилади. Бош гапга нисбатан зарф бўлиб келганлиги учун унга тушум келишиги ўрнида деб қаралади. У ўзидан кейинги жумлага нисбатан музоф бўлиб келади. Муҳаққиқлар эса уни иккита феълий жумлани бир-бири билан боғлайдиган боғловчи деб қарашади.

21) مُذ، مُنذُ - замонни ифодаловчи зарфлардир. مُذ сўзи مُنذُ нинг қисқарган шаклидир. مُنذُ нинг асли “من” предлоги ва вақтни билдирувчи اذ зарфидан иборат бўлган. Шунинг учун баъзи луғатларда аслини эътиборга олиб “мим” ҳарфи касра қилиб берилади. Агар مُذ сўзи مُنذُ лардан сўнг исмий ёки феълий жумлалар келса, ушбу сўзлар ўша жумлаларга нисбатан музоф бўлиб келади. Жумлаларга эса музоф илайҳи ўрнида қаралади. Масалан, ما تركت خدمةَ الامةِ منذُ نشأتُ - Ўспирин пайтимдан бери миллат хизматини тарк этганим йўқ. ما زلت طالباً للمجد مُذ أنا يافعٌ - “Ўсмир чоғимдан улуғ бўлиш истагидаман.”. Агар ундан сўнг гап эмас, балки битта сўз келса, у ҳолда уни кесими тушиб қолган эга ҳисоблаб бош келишикда келтирилади. Масалан, ما رأيتك منذ يومُ الخميسِ أو مُذْ يومان - Сени пайшанба кундан бери ёки икки кундан бери кўрганим йўқ. Кесими тикланганда ما رأيتك منذ كان أومضى يومُ الخميسِ أو يومانِ шаклида бўлади. Кесими туширилиб қолдирилганда, مُذ، مُنذُ ларни “зоида”, яъни маъноси айтилмайдиган предлог сингари ишлатиб ундан кейинги сўзни қаратқич келишигида келтириш ҳам мумкин. Масалан, ما رأيتك مُذ يومٍ أو منذ يومينِ - Сени бир ёки икки кундан бери кўрганим йўқ.

22) عَلُ - “уст” маъносини англатувчи зарфдир. Фақат “من” предлоги билан ишлатилади. Бу ўзидан кейинги сўзга лафзан изофа қилинмайди. Масалан, أخذته من علِ الخزانةِ - Уни жавоннинг устидан олдим деб айтилмайди. Баъзилар эса уни изофа қилиш мумкин дейишган. Бунда ҳам икки ҳолат мавжуд. Булар: А) музоф илайҳи туширилиб қолдирилса-ю, лекин ниятда мавжуд бўлса, у ҳолда бу сўзнинг охири заммага тугайди. Масалан, و لقد سددت عليك كل ثنية و أتيت نحوَ بنى كلابٍ من علُ - Сенга тепалик йўлини тўғирладим ва Килоб қабиласи томонга тепадан келдим; Б) “من” предлоги билан қаратқич келишигида келтириш мумкин. Бу ҳолатда у билан ноаниқ ҳолат ифодаланади. Бунда музоф илайҳи умуман унутилади, яъни назарда тутилади. Масалан, نزلت من علٍ - Тепадан тушдим.[12]

Юқорида келган عَلُ - “уст” сўзи худди шу шаклда бугунги кунда қўлланилаётганини учратмасак-да, бироқ бу сўз классик араб тилида қўлланилган ва билиб қўйишимиз зарур бўлган сўздир.

[10] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.432

[11] علي الجارم و مصطفي امين. النحو الواضح في قواعد اللغة العربية. الصفحة167-

[12] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.434

23) Жумлаларга изофа қилинадиган пайт исмларининг охири ўзгариши ҳам ўзгармаслиги ҳам мумкин. Мабний феъл билан бошланган жумлага изофа қилинадиган пайт исмларини мабний қилиб, яъни охирини келишикда турламасдан келтириш тўғрироқ ҳисобланади. Масалан, على حينَ عاتبت المشيب على حينَ الصبا فقلت ألما تصْحُ؟ و الشيبُ وازعُ бу байтда сўзи мабний феъл билан бошланган жумлага изофа қилингани учун охири фатҳага мабний бўлмоқда, яъни предлогдан сўнг келишига қарамасдан қаратқич келишигида эмас, балки тушум келишигида келмоқда. Агар мўъроб феъл билан бошланган жумлага изофа қилинса, у ҳолда зарфни келишикда турлаш маъқулдир. Масалан, (Моида сураси, 119-оят). Айнан шу оятдаги зарф Нофеънинг қироатига кўра мабний қилиб ўқилади.[13]

Кўриниб турибдики, зарфлар охирининг фатҳа ёки касрада келиши фақатгина ундан олдин келаётган омилгагина боғлиқ эмас, балки ўзидан келаётган феълнинг мабний ёки мўъроблигига ҳам боғлиқ.

24) Олти тарафни ифодаловчи сўзлар "قبل، بعد" сўзлар каби ишлатилади. "олд, орқа, ўнг, чап, тепа, паст" маъноларидаги أمام، قدام، خلف، يسار، شمال، يمين، وراء، فوق، تحت сўзлари ўзидан кейинги сўзга изофа қилинса ёки изофадан ҳам маъно ҳам лафз жиҳатдан узилса, у ҳолда ушбу зарфлар мўъроб бўлади, яъни турланади. Масалан, جلست امامَ الصفِ - Саф олдида ўтирдим. امش من وراء الشجرة - Дарахт ортидан юр. سرت يميناً - Ўнга юрдим. Агар бу зарфлар изофадан узилса, лекин музоф илайҳининг маъноси сақланса, у ҳолда зарфларнинг охири заммага тугайди. Масалан, أقعدْ وراءُ أو أمامُ أو يمينُ أو خلفُ أو فوقُ او تحتُ - Орқага ёки олдинга ёки ўнга ёки тепага ёки пастга ўтир. نزلت من فوقُ - Тепадан тушдим.

Агар аниқ бир тарафни айтиш керак бўлса, у ҳолда зарфдан кейин музоф илайҳини ҳам келтириш ёки тушириб қолдирилса ҳам маъноси ниятда туриши ва бундай пайтда зарфнинг охири заммага тугаши керак бўлади. масалан, سر يمينَ الصفَّ -Сафнинг ўнг томонида юр. سر يمينُ - Ўнг томонда юр, яъни сафнинг ўнг томонида юр. Агар умуман ўнг томонда юр дейиш керак бўлса, у ҳолда зарфни изофадан узиб, тушум келишигида سر يميناً - Ўнг томонда юр деб айтилади. Бунда унинг бирор нарсанинг ўнг томонида юриши назарда тутилмайди.

[13] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.435

Булардан ташқари أسفلُ ، اولُ "аввал, ост" сўзларига келсак, булар қуйидагича ишлатилади: قف اولَ الصف و قف اولَ - Саф аввалида тўхта, аввалида тўхта. لقيته عامَ اولَ - Уни аввалги йилда учратдим. قف اولَ - Аввалда тўхта. سر من اولَ - Аввалдан юр. اقعد اسفلَ الصفِ - Сафнинг пастида ўтираман. أقعد أسفلَ - Пастда ўтираман. قم من اسفلَ - Пастдан тур. اقعد اسفلُ - Пастда ўтираман. سر من اسفلُ - Пастдан юр.

أسفلُ ، اولُ сўзлари افعلُ вазнидаги сифат бўлганлиги учун ҳам икки келишикли исм ҳисобланади ва юқоридаги мисолларда келтирилганидек охири танвин қабул қилмайди[14].

Олинадиган фойдалар: билгинки, اولُ сўзи икки хил ҳолатда ишлатилади. Биринчиси, унинг сифат бўлиб келиши. Бундай ҳолатда у орттирма ва қиёсий даража сифат бўлиб, икки келишикли исм бўлади ва "ة" билан муаннас жинсга ўтказилмайди. Бунга " لقيتك عامَ أولَ - Сени аввалги йил учратганман" жумласи мисол бўла олади. Қиёсий даражадаги сифат бўлиб келиши мумкин. Масалан, هذا اولُ من هذين - Бу бу икковидан аввалроқдир. اولُ сўзининг иккинчи ишлатилиш ҳолати шундайки, бу сўз орттирма ёки қиёсий даражадаги сифат бўлиб келмаганда, бу сўз уч келишикда турланувчи исмга айланиб кетади. Масалан, لقيته عاماً أولاً - Уни (узоқ) йиллар олдин кўрганман. Бу гапда аввалги йил эмас, балки узоқ ўтган йиллар назарда тутилмоқда. ما له اولٌ و لا أخرٌ - Унинг аввали ҳам охири ҳам йўқ. ما رأيت لهذا الامر أولاً ولا أخراً - Бу ишнинг аввалини ҳам охирини ҳам кўрмадим. Абу Ҳаййон бу сўзнинг муаннас жинсда келтирилишини ва уч келишикда турланишини айтиб бизда омма هذا الشيء ما له أولةٌ و لا أخرةٌ - "Бу нарсанинг аввали ҳам охири ҳам йўқ" деб муаннас жинсда айтишади, дейди.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, турланмайдиган зарфларнинг айрим ўзига хос бўлган жиҳатлари бу масалаларни диққат билан ўрганишликни тақазо қилади. Хусусан, бир сўзнинг бир бирига зид бўлган маъноларни англатиши, изофанинг музоф илайҳи қисми туширилганда уни, яъни музоф илайҳи қисмининг ниятда туриши ёки турмаслик масалаларининг аҳамиятлилиги ҳозирги кун араб тили дарсликларида келтирилмаганлиги бу мавзуни янада чуқурроқ тадқиқ этишни муҳимлилигини кўрсатади.

[14] الشيخ مصطفي غلاييني جامع الدروس العربية.مصر.2007. ص.436